



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2021-yil 24-sentabr / № 39 (4646)

## ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ АРАФАСИДА

Мамлакатимизда шу йилнинг 28 сентябридан 3 октябргача "Ипак йўли дурдонаси" халқаро кинофестивали бўлиб ўтади.

Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири

БУЮК ИПАК  
ЙЎЛИ

Келаверар карвонлар,  
Кетаверар карвонлар.  
Қадим Ипак йўлдир бу —  
Ҳам севинач, ҳам армонлар.

Йигирма бир асрдир,  
Бардошу ҳам сабрдир.  
Халқлар курган қасрдир —  
Гоҳ созу гоҳ вайронлар.

Бунчалар кенг бу очун,  
Бир томони Чин-Мочин.  
Инсон ёзса қулочин,  
Ғурур бўлган осмонлар.

Чўлмас кўларга етган,  
Ўлмас эрларга етган,  
Улуғбеклардан кетган  
Юлдузларга унвонлар.

Овропом, Осиё —  
Бир қуёш, бир ой — зиё,  
Адолатга, эй дунё,  
Бағринг бўлсин айвонлар.

Инсоният, маконинг —  
Ўт ҳам сув тўрт томонинг.  
Маърифат ҳам иймонинг  
Сенга бўлсин қалқонлар.

Биз оламга тикилдик,  
Гоҳ туриб, гоҳ иқилдик.  
Қаддимизни тик қилдик,  
Келди давру давронлар.

Кунчиқардан чиққан кун  
Сурхонда тунар ҳар кун.  
Ёпонча сўйлар бугун  
Термиздаги кўрғонлар.

Буюк Ипак йўлдир бу,  
Минг миллат, бир тилдир бу.  
Аждодлардан қўлдир бу  
Авлодларга томонлар.

Шанхайдан бошланган тонг  
Тошкентда отса не тонг?  
Олти султон — бир кўрғон,  
Згуликка сорбонлар.

Дунё, сен солгин назар,  
Манзилларинг бўлмай зар.  
Абадийга қадар  
Тўхтамас бу карвонлар.



**Мукамбар РАҲИМОВА,**  
Ўзбекистон халқ артисти:

— Аввалги Тошкент халқаро кинофестивалларида биз ёш, қони қайноқ, қалби санъат иштиёқига тўла йигит-қизлар бўлганмиз. Хориждан келган актёрлар, режиссёрлар, умуман киножодкорлар билан яқиндан қўришиш, уларнинг гапларини эшитиш биз учун орзу эди. Кинофестиваль нафақат биз санъат аҳли, балки барча ҳамюртларимиз учун ҳам жуда қизиқарли ўтарди. Ҳар бир фестивалдан сўнг нафақат биз, балки хорижлик киножодкор тенгқўрларимиз ҳам бу кинофестивални интиқлик билан кутишарди. Санъаткорларнинг юртимизга ошиққани нафақат кинофестивалнинг қизиқарли тарзда ўтиши, балки халқимизнинг меҳмондўстлиги билан ҳам боғлиқ бўлган, деб ўйлайман. Бу йилги Тошкент халқаро кинофестивали ҳам кўтаринки кайфиятда, меҳмондўстлигимизнинг энг гўзал намунаси сифатида ўтишига ишончим комил!

**Абдурахим ИСМОИЛОВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори:

— Санъатда, жумладан, кинода миллат йўқ, унда фақат инсоний фазилатлар ифодаси бор, деб бежиз айтишмаган. Фильм кўраётганимизда ўша халқнинг маданияти, иқтисоди, сиёсатидан хабардор бўласиз. 28 сентябрда бошланган кинофестивалга ҳам кўплаб давлатлар ўз картиналарини олиб келишди. Шу орқали биз турли халқларнинг ўзига хос оламини кўрамиз, хабардор бўламиз. Фильмларнинг мазмун-моҳиятида инсонларни эзгуликка чорлаш, ёмонликлардан асраш каби эзгу ниятлар мужассам эканини эътиборга олсак, кинофестивалда намойиш этиладиган фильмларни курган томошабинларимиз учун бу улкан маънавий озуқа бўлади, деб ўйлайман.

**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Олдинги Тошкент халқаро кинофестивали пайтида талаба эдим. Қизиқишим устунлик қилиб, кинотеатрларнинг деворидан ошиб бўлса-да, фестиваль фильмларини томоша қилганларим ҳозир худди кино тас-

масидек кўз олдимдан ўтапти. Орадан ўтган 24 йил мобайнида "Наҳотки, шундай катта кинофестиваль йўқлиб кетади?" деб ўйланган пайтларим кўп бўлган. Лекин, буни қарангки, биз, ижодкорларнинг кўнглидагини уққандек Президентимиз ташаббуси билан қадрдон Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди. Биласизми, айни кунларда ижодкор сифатида кўнглим яйрапти, умидларим буй чўзаяпти. Ўша фестивалларда киножодкорлар худди қариндошини кўргандек бир-бирларига жуда самимий муносабатда бўлишганини кўрганамиз учун 28 сентябрь — 3 октябрда бўладиган кинофестивалдан ҳам ана шундай бетакрор муносабатларни кутаяман. Яна ўша самимий ижодий дийдорлашулар, юракларни тўлқинлантирадиган премьераларни кутаяман. Кинофестивалга ташриф буюрадиган халқаро меҳмонлардан Франция вакилларига бир неча ҳамкасбларим билан биргалликда ҳамроҳлик қиладиган бўлдим. Ушбу давлатнинг санъатини, ижодкорларини кўпроқ ўрганаман, улар ҳам биз ҳақимизда жуда кўп маълумотлар билан келишди, деб ўйлайман.

Ҳусния ПАРДАЕВА ёзиб олди.

1968 2021



"Ипак йўли дурдонаси"  
Тошкент халқаро кинофестивали

Фестивалнинг очилиш маросимида тўрт юзга яқин хорижлик киножодкорлар, дунёнинг 37 мамлакатидан элликдан ортиқ таниқли кино юлдузлари иштирок этади. Маросимга Озарбайжон, Миср, Беларусь, Исроил, АҚШ, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Польша, Россия, Тожикистон, Туркия каби давлатларнинг машҳур киножодкорлари ҳам келиши кутилмоқда. Тадбир доирасида ўн тўртта мамлакатнинг кино кунлари, шунингдек, жаҳон киноси кунлари ўтказилади.

Тошкент халқаро кинофестивали давомида ижодий ҳамкорликлар, қўйилмаган учрашувлар, эксклюзив интервьюлар, юртимиз экранларида намойиш этиладиган халқаро премьералар санъат аҳлини ҳам бефарқ қолдирмаслиги, шубҳасиз.

Қуйида юртимизнинг таниқли актёрлари, киножодкорларининг мазкур кинофестиваль ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

## ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК «ДЎСТЛИК» ФЕСТИВАЛИ

**Йўл ёмон яхшидан ема ғам,  
"Бисмиллоҳ", дегилу қўйил қадам.**

Алишер Навоийнинг ушбу ҳикматли сўзи ҳар гал сафарга чиқиш аввалида ёдимга тушади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

2021 йилнинг 20 сентябрь кун ижодий сафар билан қардош юрт — Қирғиз Республикасига отландик. Мақсадимиз мамлакат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан бўладиган қирғиз-ўзбек «Дўстлик» фестивалида қатнашиш эди.

**Олтин қанот**

Эрталаб Шимолий вокзалдан Тошкент-Анджон поездига чиқдик. Поезд перрондан кўзгалди. Ойнадан юртимиз гўзалликларини томоша қилиб борамиз. Машиналар, кўп қаватли уйлар, қишлоқ ҳовлилари, кўприк қурилиши, бепоён далалар кўз олдимиздан худди кино тасмаларидай ўтади. Поезд "Ангрен" бекатига тўхтаб ўтгач, Тяньшан тоғининг

Қурама тизмалари ва Оҳангарон сув омбори манзараси бошланди. Шу ерда телефонининг камерасини ёқиб, атрофни видеотасвирга тушираман. Уни тезда монтаж қилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фейсбукдаги саҳифаси ва телеграм каналига қўяман. Ойбек сўзи билан айтиладиган Шерали Жўраевнинг "Олтин қанот" кўшиғи сафаримизга чиндан қанот бағишлайди. Поездимиз ҳам худди олтин қанотли қушдай учиб боради.

"Қамчиқ" довоғи туннелига етамиз. Поезд қоронғиликка шўнғиди. 19,2 километрли туннелни қарийб 15 дақиқада босиб ўтдик. Темир улов Наманган вилоятининг қишлоқларидан ўтиб боради. Адирлар, тоғлар орасидаги қишлоқлар гўё кафтингизда тургандай бўлади. "Поп" бекати ортада қолгач, Фарғона вилояти ҳудудлари бошланади. Икки томон тераклар, шопилоя. Пишиб етилган шоли бошларини комбайнлар йиғиб, "этаги"га соляпти. Хуллас, ёзувчи, шоир, rassомлар учун илҳомбахш кўз фаслининг ажойиб манзаралари.



## ИБРОҲИМБЕК ҚЎРБОШИ: ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ


Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида 2021 йил 25 августда бўлган очик суд мажлисида совет даврида қатағон қилинган 6та жинойат иши бўйича 115 нафар шахс ЖПКнинг 83-моддасига асосан оқланди. Бу оқлов ўттиз йил кечикиб бўлса ҳам амалга ошди. Реабилитация қилинганларнинг асосий қисмини Туркистоннинг йирик уламоси ва жаҳид тараққийпарвари Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев ва бошқалар (92 нафар шахс), машҳур қўрбоши Иброҳимбек Чақабоев ва унинг сафдошлари (16 нафар шахс) ташкил қилади.

Бу муҳим воқеа мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи ҳамда тарихчи олимлар ва "Қатағон қурбонлари хотираси" давлат музейи ходимлари олиб борган машаққатли меҳнат ҳамда илмий излашлар натижасида амалга оширилди. Ушбу мақолада биз миллий озодлик учун қаҳрамонона кураш олиб борган шиймолардан бири Иброҳимбек тўғрисида сўз юритамиз.



### ЭҲТИРОМ



Меҳрибон Шоберди, муҳаббат билан  
Эй, кўнглимга тугилган Ватан.



Сўнги йилларда юртимизда миллий санъатимизнинг бошқа соҳалари қатори бахшичилик санъатини ривожлантириш, халқаро миқёсда тарғиб қилиш, бахшичилик мактабларида шу соҳага қизиқувчи ёшларни тарбиялаш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, шу йилнинг 17 — 21 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган II Халқаро бахшичилик санъати фестивали бу санъат тури Марказий Осиё маданияти ривожига муҳим аҳамиятга эга эканини намойён этди.

Шеърят, мусиқа, ижрочилик маҳоратини ўзида мужассам этган бахшичилик бебаҳо санъат бўлиб, унинг илдиэлари узоқ ўтмишга бориб боғланади. Шуниси эътиборлики, бу санъат тури халқ оғзаки ижодининг мақол, матал, қочирим, сўз уйинлари каби хилма-хил шакллари ўзида мужассам этган. Бахшиларнинг кўплаб авлодлари тилидан тушмай келаётган достонларимиз неча минглаб мисраларни ўз ичига олишини назарда тутсақ, халқимиз орасидан етишиб чиққан бахшиларнинг ёдлаш ва эсда сақлаш қобилияти, ижрочилик маҳорати қанчалар ҳайратомуз эканига тан бермай илож йўқ. Бугун биз Бола бахши Абдуллаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов, Шоберди Болтаев, Қора бахши, Шомурод Тоғаев, Қаландар Норметов, Норбек Абдулла каби унлаб бетакрор бахшиларимиз ижодини ҳақли равишда фахрланиб тилга оламиз. Бу устоз бахшилар ижодини давом эттиришга қодир муносиб

фарзандларимиз борлиги қалбимизни ғурурга тўлдирди.

## ҲАЁТ ЧАШМАСИ

санъатлари билан мухлисларни ҳушнуд этди. Шунингдек, фестиваль доирасида "Бахшичилик санъатининг жаҳон маданияти цивилизациясида тугган ўрни" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Фестиваль қатнашчилари учун турли тадбирлар, экскурсиялар уюштирилди. Бу тадбирлар бахшичилик санъатининг келажаги ёруғ эканидан далolat беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фестиваль иштирокчиларига йўллаган табригидеги қуйидаги сўзлар ҳам фикримизнинг далилидир: "Мен халқ ижодиётини инсониятнинг болалик қўшиғи, ҳар қайси миллий маданиятнинг ҳаёт чашмаси, деб биламан. Бу қўшиқларни соф ва безавол ҳолатда сақлаш, ҳамisha мағрур янграшини таъминлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир".



Нукус шаҳрида юксак даражада ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида ўтказилган танловда ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Совриндорлар орасида Македония, Сербия, Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон, Мадагаскардан ҳамда юртимиздан фестивалда фаол иштирок этган санъаткорлар бор.

Учинчи ўрин Самад Кочобаев (Қирғизистон), "Каукасус" гуруҳи (Грузия), Хоссейн Гейлан (Эрон) ҳамда юрдошимиз Бахшиқул Тоғаевга насиб этди. Иккинчи ўринга Элмира Жангабергэн (Қозоғистон), Мубориз Алиев (Озарбайжон), Алексей Ховалёг (Россия), Гулбахор Аҳимбетова (Ўзбекистон) муносиб деб топилди. Феруз Норматов (Ўзбекистон) ва Юлиана Кривошапкина (Россия) биринчи ўринни эгаллади.

Асосий мукофот — Гран-при Ўзбекистонлик бахши Жанибек Пиязовга насиб этди.

Ўз ахборотимиз.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгашининг қарорларига мувофиқ 2021 йилда берилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш мuddати 2022 йилнинг 25 январига қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти тақдим этиладиган ишларга қўйилган талаблар билан танишиш ва зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:  
100047, Тошкент шаҳри,  
Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 317-хона.  
Тел.: (371) — 233-59-46, 236-77-07.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:  
100011, Тошкент шаҳри,  
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона.  
Тел.: (371) — 244-41-60, 244-41-62.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгаши.

# ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК «ДЎСТЛИК» ФЕСТИВАЛИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

## Йўлдош йўлда синалар

Ғузэл манзаралардан ортак, йўлдошлар билан суҳбат курамади. Йўлдошнинг яхши бўлса, йўлнинг узоқлиги ҳам билинмайди, деб шунга айтишса керак-да. Ижодий гуруҳимиз — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Маъмуржон Бозоралиев, Наргиза Асадова, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири ўринбосари, адабиётшунос Алимурод Тожиев билан адабиёт, санъат, маданият, дўстлик мавзуларида суҳбатлашамиз.

университет тарихи, бугунги фаолияти ҳақида маълумотлар берди.

Ректор Чотқолбой Райимбоев университетда қардош ўзбек ва қирғиз халқларининг абадий ва азалий дўстлигини акс эттирувчи шинам кўргазма зали, чет тилларини ўқитиш хоналари, Манас ва Чингиз Айтматов ижодхоналари, ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш маркази, шинам ва кўркам маданият саройи фаолияти билан меҳмонларни таништирди.

Университет фаолияти билан танишгач, Боткен вилояти Қадамжой туманига йўл олди.

## Иккинчи кун

Эрталабки нонуштадан сўнг, Боткен вилояти Қадамжой туманида жойлашган маскан — Жолдошбек Мамажанов номидаги маданият саройига йўл олди. Икки қардош ва қондош халқ адиблари ўртасида адабий учрашув тарзида бошланган самимий тадбир мушоирага айланиб кетди.

Қирғиз-ўзбек "Дўстлик" фестивалида Абдилас Бекеров етакчилигидаги "Исфайрам" ансамбли, Б.Омурзаков номидаги ансамбл етакчиси Венера Абдуллаеванин ўзбекча, қирғизча кўй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди, кечага фазл баянлади.

Тадбир якунида Қирғиз Республикаси Миллий Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Қаллибеков Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда ўзбекистонлик ёзувчи-шоир, таржимон ва адабиётшуносларга эсдалик совғаларини топширди. Ўз ўрнида, меҳмонлар ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган китоблар ва эсдалик совғаларини қирғиз ёзувчи-шоирларига совға қилди.

Тўшдан сўнг меҳмонлар бизни Қадамжой туманида жойлашган қирғиз миллий ҳақрамини Абдуқодир Ҳазратов номидаги музей билан таништирди. Шунингдек, "Ҳазрат Али"



зиёратгоҳида бўлиб, бу табаррук зотнинг азиз қадами етган жой ҳақидаги ривоятларни тинглади.

Шу кунги оқшомда "Дўстлик" фестивали доирасида ўзбек-қирғиз шоирлари ўртасида "Шеърят кечаси" бўлиб ўтди. Бир-биридан ғўзал, бир-биридан оҳангдор шеърлар янгради.

## Учинчи кун

Фестивалнинг охириги кунги Ўш вилояти ҳудудида жойлашган Абшир ота зиёратгоҳига йўл олди. Адирлар ва тоғлар оралиб кўзланган манзилга борар эканмиз, бу жойлар менга Зомин туманидаги Уриқлисой оромгоҳини эслатди. Зиёратгоҳга етгач, худди Бойсун дараларига тушиб қолгандай бўлдим. Тепадан оқиб тушаётган сув Сангардак шаршарасига ўхшаш. Шаршарадан наридаги Шифо булоқдан сув ичдик. Бу сув минг дардга даво экан.

Шу билан Қадамжой туманида ташкил этилган "Дўстлик" фестивали ўз ниҳоясига етди. Ҳақиқат тадбирлар давомида бир гуруҳ ўзбек ёш ижодкорларининг юзта шеърдан таркиб топган "Юз ўлан" китобини қирғиз тилида, қирғиз ёш оқинларининг юзта шеъри жамланган "Юз ўлан" китобини эса ўзбек тилида тайёрлаб, чоп этиш борасида режалар тузди. Шунингдек, ижодий мулоқотлар, адабий алоқалар тўғрисида ҳам келишиб олди.

Фозил ФАРҲОД,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
ахборот хизмати бошлиғи

## МУЛОҲАЗА

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганда биз ҳали собиқ иттифоқ таркибиде яшардик. Ўша пайтларда мен туман газетасида ишлардим. "Давлат тили тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинган, турли касб эгалари томонидан жиддий фикрлар билдирилган ёдимда. Бу тарихий воқеани халқимиз қувонч билан қутиб олганди. Кисловодский, Фрунзе, Советская, Москва, Куйбисhev, Карл Маркс кўчалари, "Алёнушка", "Золотой ключик", "Тольпан", "Буратино", "Космос" боччалари ҳам чиройли ўзбекча номлар билан алмаштирилганди.

Негадир орадан йиллар ўтиб она тилимизга эътибор яна сусайди. Тўртта сўзни ёдлаб олиб, ҳар икки гапининг бирида русча сўз қўшиб

деган фикрга келганлари бўлди. Биргина Китоб туманида кейинги икки ой ичيدا 500дан зиёд бошқа тилда ёки имловий хатолар билан ёзилган турли ҳажмли пешлавҳалар, реклама, эълонлар алмаштирилди.

Аммо бу билан она тилимизнинг муносиб мавқеи, обрў-эътибори тўла тикланди, дея олмаيمиз. Айниқса, катта шаҳарлардаги автомобиль йўллари, шохкўчаларда "Mannol", "Inmarl", "Barber Shop", "Iphone", "Itop", "La zerda", "Bagozza", "Restaurant", "Inmarl" сингари ажнабий ёзувларни истаганча учратиш мумкин. Ёзувларнинг қай бирида икки тилдаги сўзлар аралаш, қай биридир соф хорижий тилда. Гоҳ илтимос, гоҳ топшириқ оҳангидега гапингизни биров тўғри тушунса, бошқа биров тушунмаганини минг бир баҳонани қалаштириб оқламоқчи бўлади: "Тошкентда ҳам ёзувлар шунақа-ку", "Яқинда ўрнатганман, алмаштираман пўлини

билан масалани ҳал қилиш мумкин", деганди. Профессор бунга эришмаётганимиз сабабини миллий гуруҳнинг йўқлигида, деб ҳисоблайди. Аммо миллий гуруҳ қачон уйғонади?

Яқинда набираниннинг дафтарларига кўзим тушиб қолди. Бирининг муқовасида "36" рақами ёнидан "165x205 мм", пастидан "PAGES" ва "notebook" деб ёзилган. Бошқаларида "ONCE upon a time", "Autumn blessings", "ROSE snanities", "QUEENS ROSES", "SEQUOIA PLAZA FLOWERS. Fiora+home", "Intelors Home Staging Design", "SUPERIOR SPIDER MAN" сўзлари ёзилган. Тасвирлар ҳақида гапирмай қўя қолай.

Қизиқ, бу ёзувлар бизнинг миллий, маънавий, маърифий қадриятларимизга қанчалик тўғри келади? Болалар бу расмлар ва ёзувлардан қандай сабоқ оладилар? Улар қалбиде ўз она тилига нисбатан белгисизлик пайдо бўлмайдими? Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги

# МАНА СИЗГА ХЎРОЗҚАНД

гапирадиган "маданиятчи" хонимлар пайдо бўлди. Бинолар пештоқидаги реклама, эълон, пешлавҳалар хорижий тилларда ёзиб қўйилган бўлди. "Ремонт", "перечисление", "переплёт", "оптом", "мойка", "доставка", "аренда", "запчасть", "канцтовар" сингари русча сўзлар ўзбекча сўзлар ёнига "ўтириб" олди. Хуллас, она тилимиз яна мураккаб вазиятга дуч келди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги тантаналаридан сўнг она тилимиз тараққиётида янги давр бошланди. Давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда ҳўқимликларда раҳбарнинг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилари иш бошлади.

Қонунга асосан Ўзбек тили байрами кунга белгиланди ва 2020 йил 21 октябрь кунги мамлакатда илк бор Ўзбек тили байрамини кенг ишониланди. Департамент томонидан кўплаб қўланмалар, луғатлар чоп этилди.

Ҳўқимларнинг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилари сай-ҳаракати, тарбияту ташвиқоти билан хорижий тилдаги кўплаб пешлавҳалар, реклама ва эълонлар алмаштирилади бошланди. Интернетга "ётиб олиб" хорижий ном қидираётганлар орасидан: "Пешлавҳани она тилида ёздиршим керак",

ким тўлайди", дейди. Яна кимдир фахр билан: "Бу — бренд!" деса, бошқаси: "Ўзбекчасини одамлар тушунмайди", деб баҳона қилади. Биноси пештоқидаги хорижий атамининг мазмунини сўрасангиз, нафаси ичига тушиб кетадиганлари ҳам бор. Худди Саид Аҳмад хўрозқанд чет элники деса ётиб олиб ялашади, дегандек.

Бутун дунёда "Авиценна" деб доврў қозонган тиб илмининг султони Ибн Синонинг авлодлари хусусий шифохонаси номини биров тушуниб, биров тушунмайдиган хорижий атама билан номлаб, йирик бўртма харфлар билан ёздириб қўйганига нима дейсиз? Демак, қилинаётган ишлар кенг жамоатчиликка етиб бормапти ё натижа бермапти. Баъзи ҳолларда соҳа ходимларига таъна-маломатлар ёғилпти. Менимча, бунинг сабаби, тарбияту таълимнинг нарига ўтмаётганимиз, ёзувларни тартибга соладиган бирор-бир норматив-ҳўқуқий ҳужжатнинг йўқлигидир. Ажнабий ёзувларни машаққат билан алмаштириб ҳали нафас олишга улгурмай, янгилари "кўқариб" чиқяпти. Алмаштирилган ёзувлар янгиларининг соясида қолиб кетяпти.

Профессор Қўзқўбой Йўлдошев: "Баннерларнинг ҳаммасини аввал давлат тилида, кейин бошқа тилда қиласан, деган битта буйруқ

нуфузини ошириш учун ташкилотма-ташкилот, кўчама-кўча юриб тинимсиз тарбияту олиб борилаётган, реклама ва эълонлар, пешлавҳалар ва бошқа ёзувларни давлат тилида ёзиш талаб қилинаётган бир пайтда ўзбек ўқувчиси учун шунақа дафтарлар чиқариш тўғрими? Нега бир ишимизи бошқасига тўғри келмапти?

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида: "Лавҳалар, эълонлар, нарх номалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин", дейилган. Нима, дафтар ишлаб чиқаришда бу қондага амал қилинмайдими? Мен ҳали болалар кийимлари ҳақида гапирмадим.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш жараёнида бундай муаммолар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш жоиз. Зеро, она тилимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булогидир. Шундай экан, нега унга муносиб ҳўрмат ва эҳтиром кўрсатилмаётган?

Лола АЛИМҚОВА,  
Китоб тумани ҳўқимининг  
маънавий-маърифий ишлар бўйича  
маслаҳатчиси

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ВАКИЛЛАРИ НИГОҲИДА

Мамлакатимизда ташкил этилаётган Президент мактаблари янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим ҳисобланади. Президент мактабларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилаётган.

Маълумки, 2021 йил 10 сентябрь кунги Ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан тизимли ишлаш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва худудларга бириктирилган хорижий давлатлардаги элчиларимиз Президент мактаблари фаолиятини самарали юритишга, хорижий илғор тажрибаларни жорий этишга шахсан масъуллиги белгилаб қўйилган эди.

Шу боис, Тошкент шаҳридаги Президент мактабларида қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан маскандаги таълим жараёнлари ҳамда яратилган шарт-шароитларни яқиндан таништириш мақсадида учрашув ўтказилди.

Юқори даражали тадбир Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил қилинди. Унда Германия, Ҳиндистон, Швейцария, Туркия, Латвия, Италия ва Корея давлатлари элчилари ҳамда КОСА, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Тадбирда доирасида ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва молиявий грантлар жалб бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан муҳокама олиб борилиди. Шунингдек, меҳмонларга Тошкент шаҳридаги Президент мактабларида ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишлари, уларнинг инновацион технологиялар билан ишлаш салоҳияти ва етук кадрларни тайёрлашда яратилаётган имкониятлар яқиндан таништирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат таълим тизимига бўлган эътибор юқори. Элчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари Президент мактаблари фаолиятини юксак эътироф этмоқда. Уларни ўқувчиларимизнинг ютуқлари билан яқиндан таништирдик, ўқитувчи ва ўқувчи ёшлар биргаликда амалга оширган лойиҳалар уларда катта қизиқиш уйғотди. — деди Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори Ҳилола Умарова. — Мамлакатимизда фаолият юритаётган Президент мактабларининг барчаси халқаро аккредитациядан ўтди. Президентимиз селектор давомида янги дастур ва технология йўналишларда халқаро мактаблар билан тажриба алмашиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Президент таълим муассасалари агентлигида "Ренессанс" номи оромгоҳимиз бор, бунда қатор давлатлар билан ўқувчилар алмашнуви ва биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Шунингдек, Президент мактабларига инвестицион ва инновацион йўналишларни жорий қилиш бўйича янги тизим ташкил этилади.

Жумладан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги хориждан ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва молиявий грантлар жалб қилишга кўмаклашиш белгиланди. Бундан ташқари, хорижий мактаблар билан ўқитувчи ва ўқувчиларни алмашиш дастурлари ҳам амалга оширилади.

Маълумот ўрнида, жорий йил 1 октябрда Бухоро, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Андижон, Гулистон, Навоий, Термиз ва Нурафшон шаҳарларида 10та янги Президент мактаблари очилиши кўтилмоқда. Ҳозирга қадар Тошкент, Наманган, Хива ва Нукус шаҳарларида Президент мактаблари фаолият курсатиб келмоқда.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
ЎЗА мухбири

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи истеъдод эгаси Алижон Муҳамедов машҳур найчи Набижон Муҳамедовнинг ўғли. Тақдир тақозоси билан ота-бола Набижон ва Алижон Муҳамедовларнинг умри Ўзбекистон санъат арбоби уста Рўзиматхон Исабоев, Ўзбекистон телевидениесининг мусиқа муҳаррири Санъат Рўзматов, мусиқа муаллими Одилжон Рўзматовлар билан бир муҳитда кечди.

Алижон Наманган шаҳридаги 15-мактабда ўқиб юрганидаёқ санъатни нозик илгарди. Отадан етим қолган ўсиридан кўзи ожиз онаизорининг дилига таскин бериш учун кино ва драмалардан парчалар ва ариялар ижро этиб берарди.

дан дуо олайин, деб бирров кирувдим" деб таъминатдорлик билдирган.

Санъатга, хусусан, кино ва театрга қизиққан Алижон Муҳамедов ҳозиргача йигирмага яқин фильмда иштирок этди. Улар орасида сериаллар, қисқа метражли фильмлар, ҳўжатли фильмлар бор. Режиссёр Ҳилол Насимовнинг "Муқаддас Ватан", Маъруф Отажоновнинг "Инсон манзаралари" сериали ва "Ватанфурўшлар" бадиий фильмида, Бахтиёр Носиров томонидан тасвирга олинган "Менинг дадам ёлғончи", "Сўнган умид" фильмларида муваффақиятли қатнашган. Бунинг эътирофини таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан су-

# ҲАЁТНИ ИЖОДГА АЙЛАНТИРГАНЛАР



— У пайтларда фақат онам учунгина ижро этардим. Кўп матнларни онамининг руҳиятидан келиб чиқиб ўзгартириб тўқирдим. Овозим ҳам созу хушхон эмасди. Лекин қуйлашга иштиёқим кучли эди, — дейди Алижон ака ўсмирлик даврини эслаб. — Отам уста Рўзматхон Исабоевлар даргоҳидаги муҳитда санъатга ошувта бўлгани учун ўз-ўзимдан образга кириш, матнларни тез ёдлаш техникасини ўзлаштирдим. Шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги радиоэшиттиришларда, турли телекурстув, бадиий ва ҳўжатли фильмларда мунтазам қатнашардим. Шу йўл билан икки эҳтиёжларимни қондирар эдим, назаримда.

А.Муҳамедов Раззоқ Ҳамроев, Тамарахоним, Фахриддин Содиқов, Муқаррама Азизова, Муҳриддин Мансуров, Каримжон Мансуров, Онахон Тожиева, Камолитдин Раҳимов, Турдали Сайдуллаев, Мирзажон Дадабоев, Бурҳонжон Юсупов сингари санъаткорлар билан қадрдонлик ришталари орқали боғланганди. Ўзининг ҳикоя қилишича, Тамарахоним 1959 йили ўйларига келганда дадаларидан дуо сўраган. Амма-халалар, кўни-қўшилар бир зумда тўп-лашиб "Қозон-ўчоққа уринаймиз", дейишганида Тамарахоним қўлларини кўксига қуйиб, "Қорадарёга ўз маблагимдан кўприк қурдирдим. Шунинг очилишига келяпман, устоз-

ратга олинган "Ибрат" бадиий фильмида унга савдогар образи ишониб топширилганда ҳам яққол кўринади.

Бухорода янги бадиий фильمنى тасвирга олиш ишларидан Наманганга қайтган Алижон Муҳамедов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳар бир ижрода берилган образга хос характерли хусусиятларни топишга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга, янги қиёфа ва янги истеъдодларни излаб топишда ижодкорларга кўмаклашаман. Бухоро сафарига ҳам уйчилик ёш истеъдод Жавоҳир Усмонжоновни бирга олиб кетдим. "Ибрат" бадиий фильмида ўзига берилган ролни кўнгилдагидек ижро этган бу йигитга янги фильмда қатнашиш учун тақлиф тушди. Ўзимга келсак, устозим Маъруф Отажонов, актёр Шўҳрат Эгамбердиев билан кинотасвир жараёнларида яйраб ишлайман. Тасвир жараёнларида улар ҳаммиша мени қўллаб-қувватлаб туришди.

Назаримда, истеъдод ва қобилият фақат ўқув юртидан олинган диплом билангина белгиланмайди. Атрофга эътиборли бўлиш, отақадрдонларни, онақадрдонларни эъзозлаш, ҳаёт мактабидан тегишли сабоқ чиқариб, яхшиларга интилиш кишини орзу-мақсадларига эриштиради.

Бу бугунги кунда етмиш ёшни қаршилаган Алижон Муҳамедовнинг хулосалари. У санъаткорлар муҳитида вояга етганидан, найчи отаси ва санъатга ошувта онажони Фотимахон Усмонованин руҳларини шод этишга ўзида куч ва имконият топаётганидан мамнун. Оли фарзанд, йигирмадан ортиқ набира ва звараларнинг бобоси замон билан ҳамнафас. Айни кунларда Алижон Муҳамедов режиссёр Маъруф Отажонов муаллифлигидаги "Девона" телесериалида роль ижро этмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

# ИЖРО МАҲОРАТИ ВА ИЖОДИЙ ҲАЁЛОТ

Таниқли ҳайкалтарош Юнус Сафардиёр халқаро кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси, у Россия, Буюк Британия, АҚШ каби кўплаб давлатларда шахсий кўргазмаларини ўтказган. У асосан мис, тош, ёқут, бронза, кумуш, ёғоч каби ҳомашёлар билан ишлайди. Асарлари учун этник ва мифологик, тарихий мавзуларни танлайди. Лекин, асосан, портретлар ва композициялар, классик аъналар ва янги технологиялар ёрдамида турли мавзуларда асарлар яратлади.

Россиянинг Новосибирск ўлкасида Ю.Сафардиёрнинг "Сибирнинг забт этилиши" ҳайкалининг ўрнатилиши аэропортига "санъат порти"га айлантириш йўлида қўйилган қаддам бўлди. Маълум сабаблар билан кечки-тирилган парвозни қўтиб чарчаган йўловчи учун бу жуда муҳим, яъни санъат парвоздан олдин ёки кейин ортиқча ташвишдан халос бўлишга ёрдам беради. Ижодкор ҳайкалтарошликда янги ҳомашёлар билан тажриба ўтказишни яхши кўради. "Технология доимий ривожланишда, ўзгариш тезлиги ҳам доимий



равишда олиб бормоқда", дейди Юнус Сафардиёр.

Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан ҳайкалтарош Темурийлар тарихи давлат музейига Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкалини совға қилди. "Ушбу ҳайкал улғў саркарда, давлат арбоби, шоир Заҳриддин Бобурнинг юрти, менин ҳам юртим бўлган Ўзбекистонга чин қалбимдан қилган туҳфамдир", дейди ҳайкалтарош. Бу ҳайкалда от устида чиройли ўтирган Бобурнинг ўнг томонида шох ва саркарда жасоратини англатувчи қилч бор. Образнинг умумий шакли талқинида Бобурнинг аниқ қўриниб турган хатти-ҳаракати, ўзига бўлган ишончи яққол кўзга ташланади.

Юнус Сафардиёрнинг нафақат бу иши, балки барча асарлари ижро маҳорати, кучли фантазияси билан ажралиб туради. Пластик санъатдаги маҳорати туфайли у ўз мақсадида эришиш ва жаҳон замонавий санъатида муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда унинг асарлари Россия Бадиий академияси, Буюк Британия, АҚШдаги коллегияларда сақланади.

Сўҳроб ҚУРБОНОВ

ДЎСТИМ ҲАҚИДА СЎЗ


Биз Рауф Парфи билан ёшда ҳам, ижодда ҳам тенгқурмиз. Рауфнинг шеърляти ҳақида бундан бир неча йиллар муқаддам устоз адиб Асқад Мухторнинг айтган илик сўзлари ҳеч қачон ёдимиздан кўтарилмайди.

Умуман, шоирлар кўпайиши замон тўқинчилигининг энг олий аломати ҳисобланади. "Тошкент окшоми" саҳифасида ёшлар асарлари мунтазам ёритилаётганидан ниҳоятда хурсандмиз.

Айни чоғда менинг ажойиб шоир дўстим Рауф Парфининг бугунлик ўзбек ёшлар шеърлятида мутлақо ўзига хос ўрни борлигини яна бир қарра таъкидламоқчиман. Сафдошим бўлмиш, истейодли, ёниқ шоир Рауф Парфининг ушбу шеърларини ўқиб, баҳра топганимдан ниҳоятда бахтиёрман.

Абдулла ОРИПОВ

"Тошкент окшоми" газетаси, 1977 йил 10 январь



Рауф ПАРФИ, Ўзбекистон халқ шоири

ЧЕКСИЗ-ЧЕКСИЗ ДАҚИҚАЛАРДАН ИБОРАТДИР МЕНИНГ ЧОРАК АСРЛИК УМРИМ

Бу қандай иморатдир бунёд этган қўлим. Гап бошқа, устоз, бошқа. Эй умрим, ҳаққимдир ахир бир мазмун Нозимнинг дардлари каби узун, шиончлари каби голиб яшашига. Эллик ёшлик бефарзанд кишининг: «Бир ўғлим бўлса эди», «бир қизим бўлса эди» — фикрларидай оғир, ёшликнинг ширин армонлари каби олғир, айни орзуларда, айни қайеуларда, айни севинчларда, айни Туркистонда яшамок, устоз.

Шундай бўлмаса агар, нега керак бу келбат, бу овоз. Шунчаки дарахтдай ўсмоқчи, шунчаки дарёдай оқмоқчи дарбадар. У пайт кўзим очик, лекин асли кўрмасди. У пайт юрак урар, лекин асли урмасди. У пайт, дарахт-дарахт, дарё-дарё, Юсуф-Квазимодо.

Мен-ку истамасман ўлимни, бироқ ҳар соатда, ҳар дақиқада бу ёруғ дунёнинг ҳар томонидан ҳукм этмоқдалар ўлимга мени. Мен — Юлиус Фучик — дорга осилди бошим. Тўйчи Эриштинг ўғли — отим менинг — кўксимда совуган кўрғошин. Ботган кўзларимда жаллодларнинг аянч сурати қотган. Вьетнамлик бир гўдакман мен — бағрим яра, қўлсиз, оёқсиз ва бошсиз ётган. Мен ҳали ҳам турма панжараси ора сўнгсиз ва озод осмонларга қарайман. Қарайман қўёшга. Мен ҳаёт иштайман, гап бошқа, устоз, бошқа...

\*\*\*

Қани най бер менга, дўстгинам, Абдулла ОРИФ

РУБОБ БЕРГИЛ МЕНГА, ДЎСТГИНАМ Бер, қалбингни торларга қадай, Тўлиб-тўлиб куйлайин мен ҳам, Бармоқларнинг қўшиғин айтгай. Офтоб куйлар паришон қулиб, Бир оз хафта кўринади у. Ана, кўшиқ бошлади булут, Тўкилмоқда тупроққа тўйғу. Оҳанг варақлайди дунёни, Дунё — ўқилмаган бир китоб.

Зангори товушлар уммони — Астагина бақирар рубоб... Рубоб, рубоб, сен уни қувла, Овозини ўчирсин алам. Уйқудан уйғонсин уйқулар, Бер, рубоб бер менга, дўстгинам.

СОНЕТ

Мен кимни суюбман... Ёлвориб толдим, — Ўзгарар табиат, дунё ўзгарар. Балки мен ўзга бахт йўлида қолдим, Лекин олиб кетди сизни ўзгалар.

Нечун ўзга эди сизнинг бахтингиз! "Ахир, ўткинчидир ҳаттоки абад". Ахир, ўзга эди сизнинг аҳдингиз, "Лекин ўзга эрур буюк муҳаббат!"

Яшин уриб кетган дарахтдек тўниб, Поёнсиз бўшлиққа қарайман дилсиз, Сарсон ахтараман юрагим тўлиб: — Қайда у садоқат, поклик деган сўз?!

Ҳайҳот, хиёнатнинг етими бўлиб Фақат йиғлаб қолди икки қоракўз.

ЛАЙЛО

Балки ўчган эдим ёдиндан, Ширин хаёлингни буздимми? Лайло, Лайло, сенинг ёнингда Япроқ каби кўрдим ўзимни,

Ширин хаёлингни буздимми? Сени ўйлаб келмайди уйку — Қора туннинг ўзга сеҳри бор. Тушларимда топай деб гулрў

Ман ухларман мангу эҳтимол. Гўзал тушлар тилайман, Лайло... Яна пайдо бўлдинг йўлимда, Яна йўлларингда бўзладим.

Бечора қалб сенинг қўлингда, Кўзларингда менинг кўзларим. Нечун пайдо бўлдинг йўлимда?..

\*\*\*

ОНА, МЕНИНГ ҲАҚҚИМ КЎП, Мозийдан, ҳозирдан ва келгусидан. Она, менинг ҳаққим кўп Айниқса, ўзимдан. Биринчи — ёнишлар... Иккинчи — ёнишлар, Учинчи... Йўл эса узун. Оҳ, узун.

Баъзан, хафта кўринасиз ўғлингиздан, Ҳаққини тан олмайсиз баъзан. Она, менинг ҳаққим кўп Кўшдан, Гуллардан Ва сиздан!

САНЪАТКОР

Ҳаммаси тугади, тугади ахир, Парда туширилди, томоша тамом. Бироқ саҳна узра ҳал бўлган тақдир Менинг юрагимда қилмоқда давом.

Қарсақ гуриллади, қандиллар титрар, Совуқ сув сепгандек титрар бир одам. Ўқ еган оҳудек муаллақ турар, Шундоқ кўзларида йўқолган олам.

Кимларга шарҳи ҳол айлар бечора, Пинҳон дардларини ким тинглайди, ким! Дўстим, мен яшадим букун, бир бора, Ахир, неча марта яшамок мумкин!

Қайгадир шошяспиз, кўриб турибман, Кетаркан, елкалар қилмоқда таъкиб... Гўё фалакларда учиб юрибман, Ерга тушмоқликка йўқ бугун ҳаққим.

Кимдир дарбозга отар ўзини, Наҳотки, ҳеч нарса қолдирмади у. Нечун яширмоқда, нечун кўзини, Алдовми, риёми, бахти ё қайғу?!

Оҳ, сингилм, турибсан не учун маъюс, Ким ҳасрат суратин чизди кўзингда? Ким парда ташлади бекўлу бесўз, Кимнинг қаҳр бозори етмади сенга?

Ҳеч нарса кўтармас кўнглимни маним, Сапчиб бўғизимга осилади жон. Додимга етмайди на дўст, на ғаним — Санъаткор бахтиёр бўлмас ҳеч қачон!..

Сиз софсиз, умрингиз нашъага тўла, Мен парда ортида қолурман йиғлаб. Ҳайҳот, унутарсиз мени бир йўла, Сиз бўлак тушларни кўрарсиз ухлаб.

Сиз эса, не учун қотиб қолдингиз, Қандай хаёларга бошингиз тўлди? Эҳтимол, виждонга буров солдингиз, Марҳум виждон эди, у қайта ўлди?!

Биров дардларига излайди шерик, Кучиб Ер шарига ўхшаган бошин. Чорлайман, кел бери, мен ҳали тирик, Чорлайман, кел бери, менинг қўшим.

Хайр, мени ташлаб кетгайсиз бир-бир, Парда туширилди, томоша тамом. Бироқ саҳна узра ҳал бўлган тақдир Менинг юрагимда қилмоқда давом.

ОНА ТИЛИМ

1. Абут-Турк тарихдан балки бир ҳикмат, Бироқ сен борсан-ку, Турон злинда. Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат Улуғ Алишернинг қутлуг тилинда.

Ул олис қўшдир, куйиниб ёнар, Олис хотиротдир ўчмас фалақда. Ҳақдан, Ҳақиқатдан кўринг ким тонар? Дунёвий аламинг тийғи юракда.

"Ватан" деб аталган бешик, онажон, Мен учун ёпилган эшик, онажон. Мен сокин солланиб илғаб борарман,

"Ватан" деб аталган тобут кўйинда. Чувалган булутни қордек қорарман, Рухимнинг панжаси чақмоқ бўйинда.

2. Ҳеч зот уза билмас узилган жонни, Ҳақиқатни уза билмас ҳеч қачон. Элим, она тилим, руҳимнинг қони, Бир имдод сўрайман сендан, онажон.

Чаёнзор йўлидир борар йўлларим, Таним ёлмақдадир ишқсиз очунда. Кўкларга тўқинар сўнгак қўлларим, Оёқларим менинг тупроқ ичинда.

Барчанинг бошида бирдек беомон, Манҳус замонларнинг ўлик шамолли. Бузғун йигирманчи аср аъмоли.

Менинг она тилим, мунис, меҳрибон, Сен Туркий Дунёнинг голиб хаёли — Сени ёзжакман, тирилган жаҳон.

3. Улуғ Туркистоним, олтин далалар, Офтоб сочқи сочар бош узра балқиб. У сенинг тилингда айтар аллалар, Қоним, она тилим, оҳ, она халқим.

Навой байтига ўхшайди йўллар, Бу тошлар Ҳамзанинг қотили, ҳайҳот! Наҳотки, умрбод ўртаса ўйлар, Умрбод занжирбанд этса хотирот?!

Занжирбандман, она тилим, Она сўзингда, Кундайин сўларман, ойдаи тўларман, Мил каби тортарман сени кўзимга.

Мен ғариб бандангман. Бир Сўз тиларман. Бошимни кўярман сенинг изингда, Қудсия анфосин сўйлаб ўларман.

\*\*\*

ИШҚ-ВАФОДАН СЎЗЛАГАНЛАРИМ, Етур сенга оху фиғоним. Ёгда тушар бўзлаганларим, Мен оламдан ўтганда, жоним.

Қалтирарсан ажиб сезгидан, Ҳар бир сўзим — ошкор жаҳоним.

Жудо бўлдинг буюк севгидан, Мен оламдан ўтганда, жоним.

Сен қошимдан кета олмассан, Кўзларингда турарман ёниб. Севгимни рад эта олмассан, Мен оламдан ўтганда, жоним.

\*\*\*

ДАРЁ КАБИ ДОИМО УЙҒОҚ, Интилишим тоғ қадар баланд. Олис йўлга отландим, бироқ Меҳрим билан, муҳаббат билан, Эй, кўнглимга тугилган Ватан.

Хотиралар сўзлар ҳар бир тош, Эсдаликлар ёғади осмон. Тирикликнинг шоҳиди Қўёш Эсламақдан тинмайди ҳамон.

КЎНГИЛ МИНТАҚАСИ

О, қишлоқнинг мунис чирои, Аччиқ пиез тўғрайин ўзим. Дил соғиниб йиғлади доим, Ҳозир, майли, йиғласин кўзим.

Тарғилланиб бормоқда осмон, Опоқ ҳидга тўлмоқда бағрим. Айтингиз-чи, борми соғ-омон, Шахло кўзли менинг тарғилим?

Оғушимда зангори сезги, Кипригимда суоқ ҳаяжон, Кўзларимда юмалоқ севги, Саломатман мен ҳам, онажон...

Қайтиб келдим яна. Чанг тўзган Йўлимизни соғиндим, она. Том устида майсалар ўсган Уйимизни соғиндим, она.

\*\*\*

ЁМҒИР ЁҒАР, ШИҒАЛАБ ЁҒАР, Томчилар томчилар сочинга. Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар, Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар, Мен унга очаман бағримни. Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар, Аста унутаман ёмғирни.

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар, Охир мени асир этар ул. Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар, Ёға бошлар қоғозга кўнгли.

ҚАДАҲ

Севгисиз тириклик андуҳ, бефараҳ, Мангу шарофатли маърака бу кун. Қани, эй дўстларим, тўлдириг қадаҳ, Дунёда муҳаббат борлиги учун!

Гулга тўла дунё, шодумон дўст-ёр, Гўёки даврада фақат гул, чечак. Бу икки ошқидир, икки бахтиёр, Бир дардга айланган бу икки юрак.

Садоқат тахтида юзларинг гулгун, Оламини ёритгай севгинг шуъласи, Ўзгача кўринур ҳар нарса бу кун — Келур ҳар нарсанинг сенга ҳаваси.

Дунёни бир кезиб топдинг ягона, Мана, суюқлигга турибсан қараб, Қани, пиелани тўлдириг яна, Нашъага тўлибди, қаранг, тўрт тараф.

Гўё бўстон ичра очилган чечак — Бу ҳарир оқ либос поклик тимсоли. Умр гўзал бўлур, бахтли келинчак Кафолат берадир кўзгу мисоли.

Бу кун тўй кечаси, севги айёми, Бу кун тўй кечаси, шодлик тошайди. Бу икки бахтиёр — дунё саломи, Икки дил ҳаётга қадам ташлайди.

Бу — барча кўргулик кўрган ҳаётдир, Ҳаёт барчасига қилгайдир тоқат. Умр деганлари заҳмат, саботдир, Умр деганлари ишонч, садоқат.

Кўкда ой, юлдузлар киргандай сўзга, Азиз бошингизга сочар нурини. Мен юлдуз шуъласин тилайман сизга, Мен сизга тилайман ойнаинг умрини.

Сизни кутлар бугун дўсту қадрдон, Ёш баҳор умрингиз нурларга тўлсин. Бўлмасин жафолар, бўлмасин ҳижрон, Дўстларим, эзгу Бахт муборак бўлсин.

Афт-ангоридан бинойидек йигит Иван Иванович Лапкин ва бурни қанқайган буй қиз Анна Семёновна Заблицкая — икки ёш нишабликдан сев ёқасига тушиб, ўриндиққа ўтирди. Қирғоқдаги ўриндиқ қалин буталар панасига қўйилган. Фалати гўша. Шу жойга ўтирдингми, бутун дунёдан ажралиб қоласан, сени сув юзида ўқдай учган майда ҳашароту балиқдан бошқа ҳеч ким кўрмайди. Икки ёш қармоқ, кичкина тўр, чувалчанг сингари балиқчилик асбоб-анжомлари олиб, қуролланиб келганди. Қулай жойлашдилару балиқ овини бошлаб юборишди.

— Ниҳоят, иккимиз ёлғиз қолганимиздан мамнунман, — гап бошлади Лапкин атрофга алаглаб. — Сизга айтар гапларим кўп, Анна Семёновна... Жуда кўп... Сизни илк бор кўриб... Сизникини тортди... Ўшанда нега дунёга келганимни, ҳаётим мазмунини англаб етдим, ҳалол-пок умримни фидо этишга арзирли, қалбим ардоғи кимлигини топдим... Қаранг, қаранг, каттаси тортипти... Сизни кўргач, илк бор севгини ҳис этдим, жуда қаттиқ севдим! Кўтаришга шошилманг... яхшироқ илинсин... Азизим, сиздан ёлвориб сўрайман, умид қилсам бўладики — мени севинг деёлмайман, йўқ! Сизга

арзайман, ҳатто бу ҳақида ўйлашга журъятим етмайди — умид қилсам бўладики... Кўтаринг! Анна Семёновна қўлидаги қармоқ дастасини юқорига силтаб тортиди чинқириб юборди. Ҳавода яшил-кумушсимон балиқча товланди.

— Вой, худойим, олабуға-ку! Вой, оҳ... Тезроқ бўлинг! Тўшиб кетди!

Олабуға қармоқдан чиқиб, майса устига юмалагач, питирлаб-питирлаб, жонажон макони сари интилди ва... шалоп этиб сувга тушди!

Ўлжа ортидан интилган Лапкин балиқ ўрнига бехосдан Анна Семёновнанинг қўлини тўтиб олди беихтиёр унга лабини босди... Қиз қўлини тортди олмоқчи бўлди, аммо энди кеч бўлганди: лаблар бўсага қовушиб кетди. Ҳаммаси қандайдир бехосдан содир бўлди. Бўса ортидан яна бўсалар, кейин аҳду вафо, ваъдалар... Бахтиёр лаҳзалар! Аммо-лекин бу ёруғ дунёда мутлақ бахт йўқ экан. Бахт, одатда, ўз ботинида оғу сақлайди еки ён-веридан кимдир уни оғулайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ёшлар висол оғушига кўмилган паллада ногоҳ кимнидир кулгиси жаранглади. Улар дарёга қарашдию анграийб қолишди: белигача сувга ботган ялангоч

балайи ошқ-маъшуқларга бақрайиб турарди. Бу — Коля, гимназия ўқувчиси, Анна Семёновнанинг укаси. У сувда турганча ёшларга писмаиб иршайди. — А-а-а... ўлишяспизларми? — деди у. — Зўр-ку! Ойимга айтиб бераман.

АНТОН ЧЕХОВ ЁМОН БОЛА

— Умид қиламанки, сиз, софдил шахс сифатида... — каловланди Лапкин қизариб. — Пойлоқчилик — қабиҳ иш, чақимчилик эса, пасткашлик, жирканч, разиллик... ўйлайманки, сиз софдил, олжаноб шахс сифатида... — Бир сўм беринг, кейин айтмайман! — деди олижаноб шахс. — Йўқса, айтаман. Лапкин киссасидан бир сўм чиқариб, Коляга узатди. У хўл панжасида пулни мижиғлаб, хуштак чалганча бамайлихотир нарига сузиб кетди. Ёшлар эса, бу гал бошқа бўса таъминни туйишмади.

Лапкин келаси кун Коляга шаҳардан бўёқ ва копток олиб келди, опаси эса, халдорисидан бўшаган қутинчани совға қилди. Кейин кучукбашарали бежирим илматуғмани ҳам беришга тўғри келди. Шум болага, шубҳасиз, ҳаммаси мойдай ёқди ва яна ҳам кўпроқ ўлжа ундириш пайида астойдил пойлашни бошлади. Лапкин билан Анна Семёновна қаёққа борса, у ҳам ўша ерда пайдо бўлади. Хуллас, ошқ-маъшуқларни бир лаҳза ҳам тинч қўймади. — Аблаҳ! — тишини гижирлатарди Лапкин. — Ўзи муштрай бўла туриб, бунчалик аблаҳ бўлмаса-я! Бориб-бориб, охири ким бўлади бу?

Коля июнь ойи ичи бечора севишганларга кун бермади. Айтаман, деб чўчитар, изма-из пойлар, совға талаб қилар; қанча берса, шунча кам бўлиб, охири чўнтак соати ҳақида гап очди. Нима ҳам қилишарди. Соат сотиб оламиз, деб ваъда беришди. Бир гал тушлиқда дастурхонга қулча тортилган маҳал Коля қутилмаганда шараклаб кулиб юборди-да, чап кўзини қисиб, Лапкинга гап қотди: — Айтайми? А?.. Лапкининг юзлари лоладай қизариб, қулча ўрнига сочиқни чайнай бошлади. Анна Семёновна урнидан сапчиб туриб, хонасига чопиб кетди.

Ёшлар августнинг охиригача, яъни, ниҳоят, Лапкин Анна Семёновнанинг қўлини сўрагунча мана шундай хавотирлар исканжасида азоб чекишди. О, бу қандай бахтиёр кун эди! Келиннинг ота-онаси билан келишиб, уларнинг розилигини олган Лапкин дарров боғ томонга қолди — Коляни қидириб кетди. Уни топганда эса, қувончидан йиғлағудек бўлиб, ёмон боланинг қўлогидан чўзди. Шу орада Коляни излаб юрган Анна Семёновна ҳам келиб қолди ва ёмон боланинг иккинчи қўлогидан тутди. Колянинг уларга ялиниб-ёлвориб, йиғлаганини, ошқ-маъшуқнинг юзида эса, мамнунлик, хузурланиш ифодаси мужассам бўлганини бир кўрсангиз эди: — Азизларим, яхшиларим, яқинларим, энди қилмайман! Вой, вой, оғрийпти, кечиринг!

Икки ёш бир-бирига кўнгли кўйгандан бери ёмон боланинг қўлогини чўзишган дамдагидек лаззатли бахт, ҳаловатни туймаганини кейин-кейин англаб етишди.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

Заҳрирдин Мухаммад Бобур поэзияси мумтоз шеърятимизда ўзига хос ўрин тутади. Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда: "Бобур поэзияси лириканинг сўнмас инжуларидан тузилган. Бу поэзияга ажойиб самимият, бадий соддалик, чинакам ҳиссиёт сингдирилган". Ана шу куч унинг шоир ва шахс сифатида шаклланишида замин ҳозирлади. Зеро, у кенг дунёқараши ва беназир ақл-заковати билан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солди.



СЎНМАС ИНЖУЛАР
Бобур лирикасига бир назар

Ижодкор шеърятда бу ифода, яъни ишқ таври борган сари янада жонлана боради. Шу маънода мазкур байти шундай шарҳлаш мумкин: маъшуканинг дастидан фироқ ва мусофирлик аламлари ичида қолиб кетдим ва ахирги, айролик ва ғариблиқдан жонга етдим. Зотан, биргина сўз, аниқроғи, «ғурбат» сўзи кишида ишқ авторини ифодалаш билан бирга шох ва шоир шахсиятидаги руҳий кечинмаларнинг очкичи вазифасини бажарётгандай таассурот уйғотади. Зеро, шоир ғурбат шарҳини битишда ўзини нотавондек ҳис этади:

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладу,
Ғурбат бу азиз умри кам қиладу.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин —
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладу.

Заҳрирдин Мухаммад Бобур асарлари ўзбек тили ва адабиёти равнақида, бадий асар тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди:

Кўшим ҳар сориға азм қилса, зарраи қолмон,
Не учқуним, агар айрилсам ондин, кун кўра олмон.

Мумтоз адабиётда «кўёш» ёруғлик, гўзаллик тимсоли. Ғурбат — фироқ, айрилиқ тимсоли. Маъшук қўйдан изтироб чекаётган ошиқ ҳижрондада ғурбатдан торикади, олам гўё кўёшсиз қолса қандай ҳолга тушса, маъшук ҳам ёрси шундай ҳолга тушадди. Аслида эса ана шу кўёш — Ёр тимсоли. Унинг ҳажри — ёрдан айрилиқдир. Токи «кўёш» ҳаракатда экан, демак ҳаёт бардавомдир. Киши қисмати-га не ёзилган бўлса, ёлғиз Аллоҳдандир. Юқоридаги мисраларда ошиқнинг маъшукга муҳаббати ҳижрондан туғилган изтироблари замирида намоён бўлади.

Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Юқоридаги байт ҳасби ҳол руҳида ёзилган бўлиб, маъноси шундай: киши бу дунёни тарқ этмагунча ҳеч вақт тинч бўлмайди. Айна маънода агар Бобуршохни бирор вақт хотиржам топомқиб бўлсангиз, бу фақат унинг уйқусидангина руй беради. Бундан хулоса шуки, инсон бу дунёда доимо бедорлиқни касби камол қилмоғи лозим. Чунки бусиз киши ҳеч вақт мақсад манзилига ета олмайди:

Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ.

Байт мазмуни: эй ғофил банд, ўзингни ҳар кўйга солиб бўлса-да, бу фаний дунёнинг макру ҳийлаларидан огоҳ бўлиб, фурсатинг борида уйғон, зеро, мақсад манзилига етганларнинг барчаси доимо бедор бўлишган. Қўринадики, унинг шеърятини ичдан алоҳида нурлангандир турган жиҳат — бу самимиятдир. Ана шу хусусият шоирнинг одамийлик туйғуларига янада жон бағишлайди.

Бобур поэзиясининг асосий мавзуси ошиқона изтироблардир. Бу изтироблар замирида улкан қалб соҳибининг ички туғёнлари муҳассам:

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехран зардим!

Хуллас, шох ва шоир Заҳрирдин Мухаммад Бобур поэзияси — содда, аниқ ва раво услуб, нафис, ширали ва бой тилда ёзилгани билан китобхонни мафтун этади. Киши кўнглида эса яшашга завқу шавқ, ишқ ва бедорлик туйғусини уйғотади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари доктори

ҲАМИША ЭСЛАЙМИЗ НЕЪМАТ АМИННИ

Неъмат Аминовни танимайман. Ҳаётда кўрмаганман. Ҳамсуҳбат бўлмаганман. Нега шундай улғу инсон билан тақдир мени учраштираган экан-а? Энди бу ёғи Худонинг тақдири-да, шундай эмасми... Дабдурустан бундай гаплар билан сўзимни бошлаганимдан ажабланаётгандирсиз. Энди шу фикрларимга қарши айтидиган гапим ҳам бор. Танимайман эмас, танийман. Кўрмаганман эмас, кўрганман. Ҳамсуҳбат бўлмаганман эмас, бўлганман. Қандай қилиб дейсизми?.. Менга у кишини "Виждон кўнғироғи" инсон сифатида таништирди. Ғойибона бўлса ҳам дийдорлаштирди. Суҳбатлашиш имконини берди.



Дарвоқе, "Виждон кўнғироғи"... Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраевнинг "Виждон кўнғироғи" номли китоби қўлимга тушган эди. Одатда қўлимга тушган ҳар қандай китобни ҳам дарҳол ўқиб кетаверишга имконим бўлавермайди. Аммо бу гал... қулай фурсатни ҳам, кайфиятни ҳам кутиб ўтирмадим, мутолага киришиб кетдим. "Виждон кўнғироғи" Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги маърифий қисса. Муаллиф иборасича — таржимаи ҳол. Фақат ҳужжат йўсинида таржимаи ҳол эмас, том маънода бадий асар. Ва яна, бундай кўринишдаги таржимаи ҳолни асар қаҳрамони эмас, асар муаллифи қозоғга туширган.

"Оққан дарё оқаверади", дейди халқимиз. Бухоро ҳам қадим, ҳам навқирон улқа. Унинг бешигидеги улғайган зотлар жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшишган. Уларнинг номлари нафақат бизнинг юртимизда, балки бутун жаҳонга маълум ва машҳурдир. Неъмат Аминов улғу зотлар улғайган замин фарзанди. Оддий темирчининг ўғли. Лекин уша оддий темирчи бобонинг ҳам бешигини Бухоро тебратганлигини унутмасак бўлди. Шу маънода Неъмат Аминов ҳазрат боболарнинг меросларидан баҳра олган, руҳ олган, қувват олган. Йўқса, жуда мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтиш осон кечадиган ҳол эмас. Китоб сўз бошимизда муаллиф ёзади: "Неъмат Аминов "Муштум" журналдан батамом бадарга қилиниб, беш йиллик ишисизликдан сўнг яна шу жамоага бош муҳаррир этиб тайинланганида, у кишининг ҳамкасблари, дўстлари, шоғирдлари хурсанд бўлиб табриклаганларида устоз: "Энди буюм бир таржимаи ҳол учун керак-да", деб қўя қолган эди. У кишининг ҳаётида ва ижодиде таржимаи ҳол учун бундай изтиробли ва қувончли воқеалар кўп бўлган".

Маърифий қиссада ёзувчи сажжиз фарзандини тупроққа қўйгани ҳақида сўз борган. Бу аччиқ тақсирга адбнинг тоқат ва шукр этгани қиссаларга ҳар қандай тош юракни ҳам ларзага келтириб юборади.

Ҳажвий асарлар кўп. Улар сени қулдиради. Бироқ бир замон ўтиб ҳаммаси ёдингдан чиқиб кетади. Бироқ Неъмат Аминовнинг ҳажвий асарлари бундай эмас. Унинг ҳажвийи замирида ҳикмат мужассам. У одамларни шунчаки қулдирмайди. Уша қулги замирида ҳам бир ўғит ётганини зукко китобхон тушуниб етади.

Албатта, Ёзувчининг ҳаёти фақат ғам-андухлардан иборат бўлмаган. Ҳамма қатори бу инсон ҳам тақдирининг неъматларидан баҳраман бўлган. У адабиётимизнинг кўпга намоёндалари билан ҳамна-

УМР ИБРАТИ




фас, ҳамфирқ бўлиб яшаган. Яхшиликлар кўрган, яхшиликлар қилган. Масалан, китобда Саид Аҳмад устоз сифатида Неъмат ақни ҳар доим қўллаб-қувватлагани, китоблари нашри масаласида қўмакчи бўлгани, уни ҳамма дуо қилиб юргани ҳақида кўп зикр этилган. Ёки Шукур Холмирозевнинг Неъмат Аминов ҳажвийларини йиғиб, тайёрлаб нашриётга бергани ҳамда унга ўзи муҳаррирлик қилгани ҳақидаги маълумотлар киши қалбига илқилиқ бағишлайди. Устозлар ҳаётдан ибрат олиб яшашга ундайди.

"Виждон кўнғироғи" китоби фақат "Икки пуллик обрў", "Қирқ учинчи почча", "Лабиҳовуз хандалари", "Қинорлар қўшиғи", "Елкасиз полон", "Ўғри мушукча", "Қақхаҳа", "Яллама-ёрим", "Чолболанинг эртақлари", "Ёлғончи фаришталар", "Бир аср ҳикоят" каби дурдона асарлар муаллифи Неъмат Аминов ҳақида ҳикоя қилувчи асар эмас. Балки Неъмат Аминов яшаган давр адабий жараёни, адабиёт намоёндалари ҳақида батафсил маълумот берувчи асардир. Бу китоб кишига устозлар ҳаётдан сабоқ беради. Яқин тарихимизда бўлиб ўтган адабий-ижтимоий ҳаёт, адбларнинг кечмишидан тортиб оддий одамларнинг турмушигача нақадар мураккаб кечганлигини хабардор қилади. Шуниси билан бизни шукрга етаклайди. Шунинг учун ҳам бу китобни адабиётни яхши кўрадиган, қадрлайдиган ҳар киши ўқишни жуда-жуда истаётган.

Сўзим сўнгида дилимдаги бир истакни ҳам баён этсам: бизда атоқли ижодкорлар ва уларнинг асарлари ҳақида эсселар, мақолалар кўп. Бироқ улғу адибу шоирларнинг ҳаёт ва ижод йўли тўғрисида катта бир тадқиқот, мукаммал рисоалар йўқ ҳисоби. Мен Сергей Гессен ва Лев Модзалевскийнинг "Пушкин гурунглири" тўпламини роса завқ ва ҳаяжон билан ўқиганман ва шу китоб орқали гўё даҳо ижодкор Александр Пушкин билан суҳбатлашган эдим. Олим Тощбоевнинг "Абадий замондоғи" (Шукур Холмирозев ҳақида), Фёдор Раззоқовнинг "Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот" китоблари ҳам менга ана шундай кайфият бағишлаган эди. Назаримда, ўзбек адабиёти ва уни яратишга хизмат қилган катта сўз санъаткорлари ҳақида шундай китоблар керак.

Ғайрат МАЖИД

АДАБИЙ ЖАРАЁН



Таниқли шоир Иқром Отамуродовнинг "Муқаддар", "Тағазул", "Харитага тушмаган жой" сингари тўпламларидаги битиклар лирик асар композицияси, бадий психологизм, янгилан-

ҳақиқатларига ҳаёл кенгликлариде саир этиб, ҳиссий муносабат билдириш имконини беради. Шоирнинг "... Мени зинқор тарқ этма, ҳаёл, канглумнинг тубида мудом макон тўқ" деб ёзиш ҳам бежиз эмас. Зеро, руҳ эркинлигини бино бўлган идеалдаги олам фақат ҳаёлдагина бўй кўрсатади. Ёки бошқа бир шеърда:

Ичқарига кирасан ёлғиз
ҳориган руҳингни судраб.
Ташқарида тишлари гиз-гиз таъна,
ғийбат қолади ғудраб —

қўрқинида икки бадий макон ўртасидаги конфликт ифодаланади. Шоир руҳни хоритувчи, найранларга тўла "ташқари"ни, асосан, қора бўёқларда тасвирлаб, ўзликни англаш, ҳақиқат йўли "ичқари" да деб билади. "Ичқари" тавсифидан ўсиб чиқувчи поэтик маъно сўз ҳақида битилган ақсар шеърлар билан уйғунлашиб, бадий ғоя нуқтаи назаридан ялпитик касб этади.

ТЕРАНЛИК САРИ ЙЎЛ

Сукут — Румий дилидаги қуш: "Ичингдаги ичингдадир".

Машҳур бир шеърдаги "Энг даҳшатли бақиринг — соқовнинг бақиринг" мисрасида сукут замиридаги исенга ишора бордай. Иқром Отамуродовнинг етмиш ёш арафасида нашр этилган китобига "Сукут садоси" деб ном беришида ҳам рамзий-фалсафий маъно яширин. Наби Жалолиддин شوирга аталган бағишлов шеърда "Иқром Отамурод — сукут" деб ёзади. Бу, аввало, шоғирд ўлароқ устозининг, қолаверса, шоир сифатида руҳдошининг қалб қиёфасини кўра билганидан далолат.

Бадий адабиётнинг бош вазифаси инсонни ўзгартириш орқали дунёни ўзгартириш экани айтилади. Теваракнинг шиддатли шовқин-суронлиги бир муддат ўзини четга тортиб, ўзига дуч келган, ўзини тинлаган одамни руҳан тозарайди, комиллик сари оқимлаб, бир сўз билан айтганда, дунёни ўзгартиради. Қўрамизки, шоир "ичқари" ва "ташқари" рам-

лари воситасида олам ва одам зиддиятларидан баҳр этиш билан бирга, лирик қаҳрамоннинг зоҳирий ва ботиний олами — жисм ва руҳ қарама-қаршилиғига кўзгу тутайди.

Шу боқсим, тан — манфаатга зар, шу боқсим, тан — илинқидир қат-қат.

ёки Тани эгаллаган ёлғондан мунғиб, Тани ботинидан сирқиб кетар рост... Қўринадики, манфаат илинқ тани мантқан "ташқари" билан боғлоса, ботиндаги рост, юқорида тўхталганимиздек, ҳақ йўли "ичқари" да эканига тақдор ишонтиради.

Шоирнинг ижтимоий руҳ устувор битикларида ҳам бевосита ёки билвосита лирик қаҳрамоннинг инжа сезимлари, психологик ҳол-кайфияти инъикос этади. Бир қарашда пайза ифодасидий туюлган шеърлар таҳлил-га тортилса ҳам худди шундай — руҳият аксланганини кўриш мумкин. Бу эса, шоир ижодиде "кангул" этиш образ эканига яна бир далилдир. Сирасини айтганда, шоир лирикасининг мазмун-маундарижаси ранг-баран бўлишига қарамай, айнан "кангул" леймотиви уларни умумлаштириб, ўзига хосликни юзага чиқаради.

Иқром Отамурод шеърятининг характерли хусусияти шундаки, ҳар бир сўздан тортиб банд қурилишигача, ҳатто тиниш белгиларигача муҳим бадий-эстетик вазифа юкланган. Айтиш кераки, шоир шеърятни хос шеърят. Кечинмалар, ҳис-туйғулар ифодасида тарихий сўзлар, диалектизмлар фалқ қўрланади. Шу боисдан, бадий мулоқот жараёнида ўқувчидан юқори бадий дид, нозиктаблиқ талаб этилади. Акс ҳолда, сатрларда ястаниб ётган жозиба, рамзлар қатигади сирлар маъмулликгача қолаверайди.

Нурмуҳаммад АЗИЗОВ, Андижон давлат университети таянч докторанти

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

«Гулистон» 2021 йил, 4-сон

«Гулистон» журналининг 4-сонини нашрдан чиқди. Журналдаги аксарият материаллар "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик" руҳини остида, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиғи байрами руҳида. Ушбу рунда чоп этилган соҳа раҳбарларининг мақолаларида, асосан, мамлакатимизда қарор топаётган иқтисодий, инвестицион муҳит, давлат ва хусусий шериклик истиқболларига қаратилган фикр ва мулоҳазалари ўз аксини топган. Маънавиятни янада юксалтиришда маданият ва санъат муассасаларининг ўрни, соҳада амалга



нашрида саҳифаларида чоп этилган "Жировлар" мақоласида ушбу тадбир муносабати билан бахшчилик санъатининг пайдо бўлиши, аъналарни, ўзига хос сир-синоатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, ушбу сонда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, драматург, шоир Машраб Бобоевнинг ижоди ва фалогияга бағишланган туркум мақолалар, асарларидан намуналарга кенг ўрин берилган. Мухлисларимиз шеърят саҳифаларида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг "Янги ҳаёт қасидаси" деб номланган туркум шеърларидан баҳраманд бўлади. Бундан ташқари, журналда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган турли мавзудаги мақолалар, ёш ижодкорлар асарларидан намуналар берилган.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

**Иброҳимбек Лақай ким?**

*Иброҳимбек, Иброҳимбек Лақай, Мулла Мухаммад Иброҳимбек Чақабой тўқсабо ўғли, Иброҳимбек Чақабоев* (1889 – 1932) – собиқ Бухоро амирлиги ҳудудидаги энг машҳур кўрбоши. Қизил армияга қарши курашган истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси. Шарқий Бухоро (ҳозирги Сурхондарё вилояти ва марказий Тожикистон) ва Ўрта Бухоро (ҳозирги Қашқадарё ҳудуди)даги истиқлолчилар кўшинининг олий бош кўмондони (1921–1926).

Иброҳимбек Бухоро амирлиги ҳудудидаги Ҳисор бегилигида (ҳозирги Душанбе яқинидаги Кўктош қишлоғида) ўзбек лақайлари уруғининг тўрт бунгадан бири эсонхўжа шабоҳчасига мансуб амир амалдори Чақабой тўқсабо хонадонидан 1889 йили туғилди. Иброҳимбекнинг отаси Чақабой тўқсабо амир амалдори бўлган. Кўктошда тўқсабонинг катта ер-мулки бор эди. Асосан ўзбекларнинг лақай уруғи яшаган бу ҳудуд тарихий манбаларда Лақай ёки Лақай деб келтирилади.

Иброҳимбекнинг отаси Чақабой қишлоқ оқсоқоли, Кўктош лақайларининг уруғ бошлиғи эди. Унга Бухоро амири томонидан 1870 йили миросхўр ва 1894 йили тўқсабо унвонлари берилган. У 1912 йилда вафот этди. Иброҳимбек ўз қишлоғидаги масжидга қарашли маҳаллий мактабда ва Ҳисордаги мадрасада сабоқ олади. Кейин амирликнинг Ҳисор бегилигида хизмат қилган. Ёшлигидан жасур ва кўркам жангчи, қўл остидаги сарбозларга ғамхўрлик қилувчи моҳир кўмондон бўлиб етишган.

Иброҳимбек 1919 йилда Ҳисор беги ҳузурига қилган хизматлари эвазига қоровулбеги даражасига, кейинчалик Бухоро амири Саид Олимхон томонидан девонбеги, тўпчибоши, лашкарбоши лавозимига кўтарилган. Иброҳимбекнинг уруғ оқсоқолларидан бири Абдуқоном Парвонанинг қизига уйланиши кейинчалик унинг ҳаёти ва жамиятдаги мавқеига катта таъсир кўрсатди. Бу қизнинг исми Бибихадича бўлиб, Иброҳимбек ундан Фуломхон деган исмли ўғил курган.

**Шарқий Бухорода озодлик жанглари**

Иброҳимбек отаси вафотидан сўнг ўн йилга яқин ўз қишлоғи ва ўз уруғидан алоҳида яшаган. Амир Саид Олимхон 1920 йил 2 сентябрда тожу тахтдан маҳрум бўлиб, Душанбега келган пайтда Иброҳимбек ҳам Кўктошга қайтиб келиб, унча катта бўлмаган ҳўжалик ишлари билан банд бўлган. Амир ўзининг яқинлари билан 1921 йил баҳорда Афғонистонга ўтиб кетаётган пайтда ушбу ҳудудларга ҳам қизил армия қисмлари ва Усмон Хўжа бошчилигида инқилоб тарафдорлари бўлган Бухоро жадидларининг сўл қаноти вакиллари яқинлашгани сари вазият мураккаблаша бошлади. Жумладан, Иброҳимбекнинг ватани – Кўктош ҳам нотинч бўлиб, аҳоли нисбатан тинчлик – тоғли қишлоқларга кета бошлади. Иброҳимбек ҳам аҳолининг муайян қисми билан Балжувон бегилиги ҳудудидаги лақайлар яшайдиган қишлоқлардан бирига кетди. У ерда ҳам уруш бошланиб, юртни бошбўшдоқлик, тартибсизлик ва ваҳима қамраб олади.

Бу орада Бухоро амирининг ишончли вакили Эшон Султон ва Балжувон беги Давлатмандийдан Балжувон бегилиги ҳудудидаги лақайларга қизил армия кўшинлари ва жадидларга қарши курашиш учун бирлашишга чақирувчи чопарлар, хат ва чақириқлар келар эди. Юборилган мактуб ва мурожаатларда Эшон Султон Дарвозда ўз одамлари билан истехком кургани, Англия, Афғонистон ва бошқа давлатлар советларга қарши курашда Саид Олимхонга ёрдам бериши ҳамда лақайлар ҳам ушбу курашда фаол иштирок этиши лозимлиги айтилди. Бундай чақириқ ва мурожаатларга қўшилган лақайлардан Абдуқоном Парвонани, Баротбек ва Тоғай Сари (Тоғай Бобо) бошчилигида бир қанча қуролли гуруҳлар тузила бошланди. Иброҳимбек ҳам қайнотаси Абдуқоном Парвонани бошчилигидаги ҳарбий гуруҳга дастлаб йигит, яъни аскар бўлиб қиради. Шу тариқа Иброҳимбекнинг ҳарбий фаолияти бошланади.

Асосан лақайлардан иборат бўлган уч ҳарбий гуруҳ: Абдуқоном Парвонани, Баротбек ва Тоғай Сари икки ойлари давомида Балжувон бегилиги ҳудудидаги Кангурт ва Оқсув атрофларида қизил

армия ҳамда жадидларнинг сўл қаноти вакилларига қарши кураш олиб бориб, Кўлоб ҳудудларида қатор ғалабаларни кўлга киритади. Бу даврда Иброҳимбек сиёсий саҳнада ҳарбий фигура сифатида ҳали намойён бўлмаган эди.

1921 йил баҳорда Абдуқоном Парвонани Данғара атрофида Қоратовдаги ҳарбий амалиётлар чоғи от босиб жиддий шикастланади. Шундан сўнг бошқа йигитларга нисбатан жўрватироқ, ташкилотчилик қобилияти устун бўлган кўеви Иброҳимбекни 1921 йил ёзда ўзига ўринбосар этиб тайинлайди. Ҳарбий амалиётларда бутун масъулият Иброҳимбекнинг зиммасига тушади. Эшон Султон ва бошқа кўрбошиларнинг талаби билан ҳарбий қаршиликни давом эттириш ҳамда Шарқий Бухородаги бошқа кўрбошиларни кўллаб-қувватлаш учун Иброҳимбек бошчилигидаги лақай қуролли гуруҳлари Балжувон бегилиги ҳудудида Ҳисор бегилиги ҳудудида ўтади. Бу даврда Иброҳимбек бир неча зафарли ҳарбий жанглари бошқариб, етарли обрў-эътибор орттириб улгурган эди. Иброҳимбек Ҳисорда аҳоли томонидан бек этиб сайланади ва у ерда 2–3 ой яшаб, қизил армияга қарши кескин жанглар олиб боради.

Иброҳимбек 1921 йил бошларидан Шарқий Бухородаги кўрбоши гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб (туркийлик ҳарбий саркардалар Анвар Пошо ва Салим Пошо Шарқий Бухорога келган давр бундан мустасно), қизил армия ва совет тузумига қарши озодлик курашини бошлади.

Иброҳимбек совет давлатига қарши кураш майдонига кирар экан, ўз олдида Бухоро амирлиги тупроғини қизил аскарлардан тозалаш, ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни Саид Олимхон қўлига олиб беришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган даст-

курашни ўз олдида асосий мақсад қилиб қўйган эди.

Иброҳимбек билан Афғонистондан совет ҳудудида 1931 йил 30 мартда Абдуқоном Парвонани, Полвон Додхо, Бой Назар, Хонжон, Мулла Ниёз Парвонани, Абдуқодир Инок, Алимардон Додхо, Исохон Эшон, Эрнатар, Кўганбек ва Тошмат Додхо каби машҳур кўрбошилар ҳам ўтишган. Иброҳимбек кўрбоши билан ҳаммаси бўлиб 400 нафар йигит Амударёдаги Чубек кечувидан ўтиб, мамлакат ичкарасига киришган.

Айнан ўша кунни Багарик кечуви орқали ҳаво тўлдирилган мешларда совет ҳудудида Эгамберди ботир ўзининг 200 нафар йигити билан ўтади. Бир неча кундан сўнг Чубек орқали Ортық додхо ҳам ўзининг 200 нафар йигити билан дарёдан ўтади. У билан биргаликда Фулом Ҳусайнхон, Фулом Қодирхон ва Мамед Ҳошимхон ҳам 50–60 йигитдан иборат ўз гуруҳлари билан кечувдан ўтишган. Кейинчалик совет ҳудудида Мулла Холдор ва Мулла Жўра Даҳан ҳам ўз йигитлари билан ўтган. Улар билан Иброҳимбек Боботоғда учрашган. Учрашувдан кейин Мулла Холдор ва Мулла Жўра Даҳан гуруҳи номаълум тарафга жўнаб кетган.

Иброҳимбек кўшинлари сафига ўз юртида кўллаб ватанпарварлар келиб қўшилди. САВО (ўрта Осиё ҳарбий округи) кўмондони ўринбосари И.К.Грязнов бошчилигидаги катта ҳарбий кучлар 10 апрелда Иброҳимбек йигитларига қарши ҳужумга ўтишди. Совет аскарларига ОГПУ отрядлари ҳам ёрдамга келди. Апрель-май ойларида Иброҳимбек қизил аскарларга қарши қакшатқич жанглар олиб борди. У омонсиз олишувлар билан Вахш дарёсининг ўнг қирғоғига чекинди, май ойида уруш ҳаракатларини Боботоғга кўчирди. 1931 йил 12

Бий Саидов. 14. Мирзақоном Шеров. 15. Азим Марқа Остонакулов. 16. Эшон Полвон Баҳодирзода отишга ҳукм қилинди”.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги фавқулодда вакилиги томонидан 1932 йил 10 сентябрда Москвага йўлланган телеграммада кўрсатилишича, бу ҳукм 13 нафар кўрбошига нисбатан 1932 йил 10 августда, Иброҳимбекка нисбатан 31 августда Тошкентда ижро этилган. Иброҳимбек кўрбоши 43 ёшида отилган. Мулла Ниёз Парвонани Ҳақимов қамоқхона касалхонасида вафот этган.

Чекистлар маълумотларига қараганда, Иброҳимбекка буйсунувчи кўрбоши гуруҳлари, яъни Тожикистон ҳудуди ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудудида жанг олиб борган кўрбошилардан ҳарбий тўқнашуларда ўлдирилган кўрбошилар – 19 нафар, йигитлар – 987; асирга олинган кўрбошилар – 10, йигитлар – 175; ихтиёрий таълим бўлган кўрбошилардан 119, йигитлар – 2529 нафар. Булардан ташқари Иброҳимбек кўшини кўлга олинган, ОГПУ оператив гуруҳлари томонидан “босмачи”ларнинг шериги сифатида уруғ, қишлоқ оқсоқоллари ва ўзига тўқ обрўли шахслардан 2249 киши, шунингдек, кўнгилли равишда таълим бўлган кўрбошилардан 17таси фаол кўрбоши, 891таси фаол йигит сифатида қамоққа олинган.

Иброҳимбек қамоққа олинган, унинг Афғонистондаги оила аъзолари ҳам таъқиб этилади. Афғон маъмурияти унинг аёлини Қалъаи Хумдон қамоқхонасига ташлайди. Иброҳимбекнинг Афғонистонда қолган оила аъзоларидан ҳам кўпчилиги ҳалок бўлган. Иброҳимбек кўрбошининг ўша суронли йилларда тирик қолган фарзандларининг айрим авлодлари бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистондан ташқари Афғонистон ва Туркияда яшайди.

# ИБРОҲИМБЕК ҚЎРБОШИ: ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ



Иброҳимбек кўрбоши

Алимардон Додхо

Эшон Судур

Мирзақоном Шеров

Абдуқоном парвонани Улаев

**Иброҳимбек кўрбоши сафдошлари**

*Абдуқоном Парвонани, Абдуқоном Парвонани Улаев* (1856–1932) – қизил армияга қарши курашган йирик кўрбошилардан бири, амир амалдори. Иброҳимбекнинг қайнотаси ва маслаҳатчиси. Файласуф ва тарихчи олим Насриддин Назаровнинг ёзишича, Абдуқоном амирлик қўшини ва саройда ҳам хизмат қилган. Садоқатли хизматлари эвазига у парвонани мансабига лойиқ қўрилган. Бухоро амирлигида парвонани амирнинг таянчи ҳисобланган олий лавозимлардан бири бўлиб, у *оталиқ* ҳамда *деворон*дан кейин учинчи мансабдор шахс бўлган. Парвонани баъзан ҳарбий юришларда иштирок этиб, муайян қисмларга кўмондонлик қилган.

Қизил армия томонидан 1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдарилган, 1920 йил кузидан бошлаб Шарқий Бухорода ҳам қизил аскарларга қарши жанглар бошланади. Абдуқоном Парвонани бошчилигида ўзбек лақайларидан тузилган дастлабки қуролли гуруҳ Сурхондарё ва Тожикистоннинг марказий ҳудудида қаттиқ жанглар олиб борган. Парвонани гуруҳида унинг кўеви Иброҳимбек ҳам бўлиб, у қизил аскарларга қарши курашда айрича жасорат кўрсатади.

Абдуқоном Парвонани 1926–1931-йилларда Афғонистон ҳудудида ҳам Иброҳимбек кўрбоши билан бирга бўлган. 1931 йил 30 мартда

Иброҳимбек кўшини сафида у ҳам чегарадан ўтиб, Афғонистондан Тожикистонга қайтган. Чолтоғда булган қурултойда Абдуқоном Парвонанига Иброҳимбек томонидан Балжувондаги Ҳисор лақайларининг бошлиғи этиб тайинлангани ҳақида махсус ваколатнома берилган. Иброҳимбек кўшини қизил армияга қарши уч ой давомида олиб борган ҳаёт-мамот курашида мағлубиятга учрайди. Абдуқоном Парвонани совет ҳокимияти билан музокара олиб бориш учун Сталинобод (ҳозирги Душанбе)га Юзбей оқсоқол ҳузурига бораётганда чекистлар томонидан 1931 йил 22 июнда қўлга олинган. У Иброҳимбек ва бошқа кўрбошилар билан биргаликда Сталинободдан Тошкент шаҳрига келтирилган ҳамда ўн ой мобайнида чекистлар томонидан сўроқ қилинган.

Абдуқоном Парвонанининг 1931 йил 7 июлда терговчига ўзбек тилида берган кўрғазмаси Тошкентда чиққан “Ватан” газетасида 1993 йил 8 декабрда эълон қилинган.

Абдуқоном Парвонани ҳам Иброҳимбек ва сафдошлари қаторида (жами 16 нафар киши) Тошкент шаҳрида бўлган СССР ХКС ҳузурига ОГПУ коллегияси махсус мажлисининг 1932 йил 13 апрелдаги қарорига биноан ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 1932 йил 10 августда 76 ёшида отиб ўлдирилган. Айни пайтда Тожикистон Республикаси Данғара туманидаги Гулбулоқ ва Тўртқўл қишлоқлари орасида Абдуқоном Парвонани қурдирган қалъа сақланиб қолган.

**Сулаймон Салоҳиддинов (Эшон Судур)**

*Сулаймон Эшон, Эшон Судур, Сулаймон Салоҳиддинов* (1877–1932) – Шарқий Бухоро ва Ўрта Бухородаги қуролли ҳаракатнинг ғоявий раҳнамола-

бу кўзғолонни бостириш учун қизил аскарлар катта куч сарфлашган.

Кўзғолон бостирилган, Сулаймон Эшон (Эшон Судур) ёлғиз қизини олиб, Саройкамар орқали 1921 йили Афғонистонга ўтади. У ва қизи уч йил Хонободда, бир йил Мозори Шарифда яшайди. 1925 йили Эшонни Судур ва поччаси Ақромхон Тўра Мозори Шарифда истиқомат қилганлар. Эшонни Судур бу пайтда Кобулга бориб, Саид Олимхон билан тез-тез учрашиб турган.

Ноқулай об-ҳаво шароитига мослаша олмаган Эшон Судур Хонободни тарк этиб, Мозори Шарифга қўчишга мажбур бўлган. Эшонни Судур Мозори Шарифда афғон ҳукуматида субсидия, пул ёки натура шаклида ёрдам олиб турган. Шундай мураккаб шарт-шароитда Афғонистондаги ўзбек муҳожирилари БХСР ҳукуматида бир неча марта уларни кўллаб-қувватлаш учун мурожаат қилган, лекин натижа чиқмаган, тўртинчи йилнинг охирида муҳожирилари Мозори Шарифдаги совет ҳокимиятининг элчи-хонасига мурожаат қилган. Натижада муҳожирилари орасидан 20 кишига ўз ватанларига қайтишлари руҳсат берилган ва улар собиқ Фузор бегилигида мирза бўлиб ишлаган Мирза Урун бошчилигида Бухорога қайтадилар.

Муҳожирилари асосан Хонобод, Мозори Шариф ҳамда бошқа шаҳарларда қийинчилик ва мураккаб шароитда яшаган. Шундай бир пайтда афғон амири Омонуллохон Кобул, унинг атрофларида истиқомат қилаётган муҳожириларга бошқаларга нисбатан яхшироқ шарт-шароит яратиб бераётгани, субсидия ва ёрдам пуллари миқдори ҳам яхшироқ тўланиши ҳақида гап тарқалади. Фузор беги Ақрамбек бошчилигида бир гуруҳ муҳожирилари, жумладан, Эшон Судур ва яна бир неча киши ўз оилалари билан Кобулга боришга қарор қилади. Ақрамбек ва Эшон Судурларни нафақат Кобулда бериладиган субсидия, балки уларни бу ерда яшайётган ўз юрдошлари билан қўришиш истаги ҳамда ўз ватанлари ҳақида маълумотлардан хабардор бўлиш тўғриси ҳам чорлади. Муҳожирилardan 15 киши, Кобулдан уч чақирим масофада, бир афғон заминдорига қарашли Қалъаи Шамсийдаги бир ҳовлини ижарага олиб, бу ерда уч йилга яқин яшайди. Эшон Судур вақти-вақти билан, яъни ҳар ойда бир марта Қалъаи Фотуга, Саид Олимхон ҳузурига моддий ёрдам олиш учун бориб туради. Саройда ёрдамни Олимхоннинг собиқ амалдори Бухоро қўшбегисининг ўғли Ақрамхон Эшон Ғозий (бу собиқ Фузор беги Ақрамхон эмас) тарқатиб турган.

Эшон Судур муҳожирилқда Ватанни қумсаш ва соғинч туйғулари билан яшар, қайтиш истаги унга ҳеч қачон тинчлик бермасди.

Поччаси собиқ Фузор беги унга Бухорога борса, у ерда уни ўлим кутаётганлигини айтиб, қанчалик зўр бериб қарордан қайтаришга уринмасин, Бухорога бормаслиққа кўндира олмаган. Эшон Судур унга: “Мени юрт соғинчи шундай қарорга келишимга мажбур қилди. Майли, ўлишим керак бўлса, ўз юртимда, ота юртимда ўлай”, деб жавоб берган.

Ақромхон Эшон Ғозий унга Амир Саид Олимхон номидан Иброҳимбекка ёзилган мактубни топширади. 1930 йил июнда Иброҳимбек ҳузурига келган Эшон Судур юртга қайтиш умидида унинг қароғоҳида қолади. Иброҳимбек кўшини билан бирга 1931 йил 31 мартда Тожикистонга ўтади. Эшон Судур саркарда Иброҳимбек кўрбоши билан Боботоғда ажрашган. Сўнгра у Денов ботиб, Худойназар командир воситачилигида ОГПУ вакилларига қуролни топширади. Денов ГПУсига 1931 йил 1 июль кунни таълим бўлган. Эшон Судур (Сулаймон Салоҳиддинов) ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 августда чиқарилган отиш ҳукми бўйича 1932 йил 10 августда ўн оптилари гуруҳида Иброҳимбекнинг асосий ўринбосари ва ғоявий раҳнамоси сифатида Тошкент шаҳрида 55 ёшида отиб ташланади.

**Мана, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда Иброҳимбек сингари кўрбошилар ва Носирхон Тўра каби тараққийпарварлар оқланди. Зеро, Иброҳимбек кўрбоши ва унинг жасур сафдошлари ҳам, Носирхон Тўра ҳам эл-юрт мустақиллиги йўлида шахид кетган халқ ва миллат қаҳрамонлари ҳисобланади.**

Қаҳрамон РАҲАБОВ, тарих фанлари доктори

Галерея:


Шанлиқли расом Шахноз Абдуллаева ижодидан намуналар



Кумушой (2002).



Uch dirlabo jilvasi (2000).



Гулзорда (2000).



Куз натюрморти (2007).

Сайёраимиздаги глобал ўзгаришданми, ноқулай экологик вазият таъсиридами, шу кунларда магнит бўрони кучаярмиш. Бунақа ҳол илгари ҳам содир бўлган, бироқ бу галгиси аввалгисидан фарқли, кўпчиликнинг бошини қотириб қўйди. Ваҳима қилишларича, бўрон таъсирида умрида бир марта бўлсин ноҳўя иш қилган одамнинг қилмиши танасида белги берармиш. Масалан, пора олган кишининг бошидан шох ўсиб чиқармиш.

Эрта тондан кўнглимга қил сифмай, бошим қотиб, ёнимни қиздирган қўл телефонимни олиб ўша машъум хабарни яна бир бор ўқидим. Телефонимни четга отиб, кўзгу томон отилдим. Бурним кўзгуга тўккудек бўлиб яқиндан разм солдим. Кўнглим бўлмай бошимни у ёқ-бу ёққа буриб қайта-қайта қарадим ва беихтиёр илтижо қилдим:

— Э, Худо, шарманда қилма...  
Ўйлаб кўрсам, ишонмай, иложим йўқ. Ахир, кейинги пайтларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қанча воқеалар бўлиб ўтди-ку.

Тавба, деб қўйишади баъзилар, ижтимоий тармоқда муносабат билдираркан, текин тешиб чиқади, деганлари тўғри экан-да, а?..

Мана энди, бутун бошли корхонамиз алғов-далғов бўлиб ётибди. Тўғри, ҳаммани ўшалар қаторига қўшиш инсофданмас. Лекин ишхона ҳар турли

масалалар ҳал бўладиган жой-да. Келганлар ҳам, бировни ака, бировни ука, деб иш битириши бор гап. Бу орада унча-мунча олди-бердилар ҳақида ҳам гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона гап-сўзлар бўлиб туради. Имзолаганга қўл ҳақи, кўрганга

Ҳабиб Сиддик

МАГНИТ БЎРОНИ

кўз ҳақи, кимгадир кўнглидан чиқариб миннатдорлик, дегандай... Олмаганига қўймай тиқиштирадиган ҳам, берганининг бетига қарама деганлар ҳам, ўзини инсофли санаб келгандан арзимаган тушлик ундириш билан чекланадиганлар ҳам бор.

Шов-шув чиқмаса-ку, ҳаммаси ўзини фариштасифат кўрсатиб юрарди. "Таъмагирликнинг катта-кичиги йўқ, ҳаммасининг ҳам бир куни ҳисоб-китоби бор", деб таъкидлайдиган кекса таъминотчининг ўзи ҳам безовта. Энди биров бир нарса демаса ҳам ҳамманинг дарди ичида, охири бахайр бўлсин, деб туришибди.

Аслида-ку, таъмагирлик деган бало юкмули касаллик экани ва урчиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Фақат унинг тарқалиш тезлиги ва кўлами бўйича эпидемиями ёки пандемия эканлиги-

ни мутахассислар ҳали аниқлашмади, десам нотўғри бўлмасмикин?.. Балки, аниқроғи... аллақачон аниқлаган бўсалар ҳам, ҳозирча расман эълон қилишгани йўқ.

Қабулхонага кўйилган ойна атрофида ходимлар турли баҳоналар билан

диган боғча мудираси рўмолини дуррача қилиб ўраб олибди.

Аксарият кўчадагилар дўппи, шапка, шляпа кийибди.


Миш-мишлар урчиб, кимнидир баданидан нимадир ўсиб чиқиши мумкин, ҳатто дум пайдо бўлар эмиш, деган гаплар пайдо бўлди. Тўқайга ўт кетса, ҳўлу куруқ баравар ёнаркан-да.

Тушлиқдан қайтсам бир-иккита ҳамкасбларим котиба қизимизнинг мўъжазгина кўзгусини олиб у ёқ, бу ёқларини ростлагандай бўлиб, гўёки ороланиб туришкан экан.

Чунки дардини берган давосини ҳам беради, деган гап яна бир бор тасдиғини топди. Ҳамма кўзгу қидириб, қичишса-қичишмаса, минг ҳадик билан бошини қашлаб юрганда, фаррошимиз Сурмаҳон янги гап топиб келди. Кучли магнит бўрони ва унинг атрофидаги ваҳимали гаплар ижтимоий тармоқдаги одатдаги ёлғонлардан бири экан.

Ҳамкасбларининг юзига қон югурди, чехралар очилди. Ҳамма ваҳималар тез орада унутилди. Ҳар ким ўз ишига шунғиб кетди.

Жиндай енгил нафас олдик. Бироқ кўп ўтмай каттаимиз шошилиш мажлиси ўтказди ва... солиқ солишни бошлади. Фавқуллодда магнит бўрони ҳақидаги хабарлар таъсиридаги "парҳез" узоққа чўзилмади. Дард баттар кучаядиганга ўхшаб турибди.



ҲАЖВИЯ

уймалашадилар. Кўзгудаги ўзининг аксига зимдан назар солишдан ташқари бир-бирининг бошларига ҳам қизиқсини қараб қўйганлар бор. Ҳатто бошлиқнинг ўзи ҳам нимадир сабаб билан чиққандай бўлиб ойнага синчиклаб назар солиб турди-да, хонасига кириб кетди.

Ваҳима фақат ишхонамизда эмаслигини йўлда келаётганимдаёқ сезгандим. Қишининг чилласида ҳам бошьяланг юра-

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Кўп афсус ва надоматлар бахтнинг ўзаги — сабр, қаноат ва шукроналикнинг асл моҳиятини тушунамасдан мавжуд бахтни сотиб юбориш ва ёки алмаштиришдан келиб чиқади.

Қарамасдан отса ҳам бориб хатосиз тегадиган тош бу миннат тоши, берилмаса ҳам қоринни туйдирадиган ош меҳр оши.

Оналарнинг яхшиликлари сочининг толасидай кўп, аммо буни фарзандлар сочи тўкилганда билади, холос.

Кишининг нуқсонларини душманлари ёнғоқ каби барглар орасидан топиб, териб олади ва доимо чўнтагида олиб юради. Ейиш учун эмас, тарқатиш учун.

Аёлни бемалол қаҳрамонлар қаторига қўшса бўлади. Чунки у ҳеч қачон боласини ботқоқда қолдириб кетмайди.

Лоқайдликни бағрикенглик билан аралаштириб юбормаслик керак.

Шухрат РЎЗИЕВ

Табаллуд кўнлар

- Рустам Мирвоҳид — 25 сентябрь (1987) — шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Оқилхон Иброҳимов — 26 сентябрь (1956) — муסיқашунос, санъатшунослик фанлари доктори, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси".
Абусайд Нурбоев — 27 сентябрь (1957) — шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

- Ботир Мухаммаджонов — 29 сентябрь (1964) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.
Марина Бородина — 30 сентябрь — ҳайкалтарош, "Дўстлик" ордени соҳибаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳақиқий аъзоси.
Дилором Омонуллаева — 1 октябрь — композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

Эълон
Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!
"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ
такрорий очик танлов савдоларига таклиф этади

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган такрорий очик танлов савдоларига. "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2021 йил 18 сентябрдаги 259-сонли буюр-маномасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида, ўзига тегишли савдо шохобчасининг ижара ҳуқуқини сотиш учун очик танловга қўйилмоқда.
1.14-1-4-сонли савдо шохобчасининг умумий майдони—14,72 кв.м бўлган жами бошланғич баҳоси—117 760 000 сўм.
Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2021 йил 8 октябрь кuni соат 11:00дан бошлаб кўриб қилинади.
Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.
Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади.
Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани зақалат сифатида "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФД:01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширигунга қадар тўлашлари шарт.
Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Туртариқ кўчаси, 11/2-уй.
Тел: (95) 199-12-21. (95) 195-12-21. www.kmtx.uz
Электрон почта: ko'chmasmulk@mail.ru.
Лицензия RR-0001.

Ушлаб олган юмушлар маҳкам, "Кетма", дея қўлингдан тўтиб, Парво қилма, умрим етса бас, Яшайвергум минг йил ҳам кутиб.

Фақат бўйи ўсиб армонин, Ғийбат болам кўзин ёшлади. Аламзада, кутурган итлар Юрагини ғажиб ташлади.

ЮРАК, БИТТА ШЕЪР ҲАДЯ ЭТ...

Юрак, битта шеър ҳадыя эт, шеър дунёси Бахтиёрлик уммониде оқиб кетсин. Мутолаадан қўлин силтаб қўйганлару Кўнгли нозик шеър аҳлига ёқиб кетсин.

Мўралашиб ҳар сатрида қувонч-шодлик, Малҳам бўлса офриқлардан зада дилга. Кўнглиларни овласайди меҳр бериб, Ҳатто тиниш белгисиям кириб тилга.

То тонггача бедор, мудроқ киприқларим, Шабнамларда суғорилган найсондайин. Битта шеър бер, тинглаганда гўзал дунё Гўзаллашиб бораверсин борган сайин.

Унда жой йўқ бўлса араз-гиналарга, Бу дунёнинг дард-ҳасрати ариб кетса. Не қушларни ёшлаб, юзга соя солган Ташвишлар ўз ташвишида қариб кетса.

Юрак, шундай шеър ҳадыя эт, хаста дилнинг Сўбуҳи содиқ шифосини топиб келсин. Иситмадан алаҳсиган заминининг Овёига дармон бўлиб чопиб-өлсин!

Муъсархон ЭРГАШЕВА



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ
Хамқоримиз: akfa

Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42; Санъат бўлими: 233-56-40; Назм ва наср бўлими: 233-58-60.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Боснига топшириш вақти - 21.00.
Боснига топширилди - 21.35.
ISSN 2381-614X